



НОКИМИ

ҲОКИМИ

141100, Samarqand viloyati Nurobod tumani Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy, Tel: /8-366/ 633-16-34, Fax: /8-366/ 231-98-81, E-mail: nurobod@samarkand.uz

ҚАРОР

2014 йил «15» септибр

№ 437-У

Ер майдони ажратиш учун тузилган
комиссия далолатномасини
таъдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 23-моддаларига асосан аҳолини тadbirkorлик фаолиятини қўллаб қувватлаш, уларга қулай шароитлар ажратиш, туман аҳолисига янги иш ўринлар яратиш мақсадида 2009 йил 29 декабрдаги №633-Қ сонли туман ҳокимининг қарорига асосан Нуробод шаҳри Навруз маҳалла фуқаролар йиғини Ёшлар кучаси худудидан икки қаватли маданий-маиший хизмат курсатиш мажмуаси қуриш учун 150 кв.метр ер майдони ажратилиб берилган, Нуробод тумани Халқабод маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Бутаев Олим томонидан бугунги кунда лойихалаш ишлари учун қўшимча 75 кв.метр ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига асосан қўшимча ер ажратиш тўғрисида 2014 йил 6 сентябрда тузилган далолатномани қуриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод тумани Халқабод маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Бутаев Олимга Нуробод шаҳри Навруз маҳалла фуқаролар йиғини Ёшлар кучаси худудидан икки қаватли маданий-маиший хизмат курсатиш мажмуасининг таъдиқланган лойиха ҳужжатларига асосланиб қўшимча 75 кв.метр ер майдони ажратилсин.

2. Фуқаро Бутаев Олимга Нуробод шаҳри Навруз маҳалла фуқаролар йиғини Ёшлар кучаси худудидан икки қаватли маданий-маиший хизмат курсатиш мажмуаси қуриш учун туман ҳокимининг 2009 йил 29 декабрдаги №633-Қ сонли қарорига асосан ажратилган 150 кв.метр ер майдони билан жами ер майдони 225 кв.метр деб ҳисоблансин.

2. Фуқаро Бутаев Олимга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

-АРТ лойиха-смета ҳужжатларига буюртма бериш ҳамда шу лойиха ҳужжатлари асосида қурилишни амалга ошириш;

-қуриладиган бино атрофида экологик ҳалатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш;

-қурилиш тугаши билан бинони фойдаланиш учун туман комиссиясидан таъдиқ олинсин;

213
4. Туман бош архитекторига курилиш ишларини амалдаги конунлар ҳамда тасдиқланган лойиха асосида бажарилишини назорат қилиш топширилсин.

5. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бўлими (Н.Куйлиев) га Ушбу ажратилган ер майдонининг тегишли хужжатларини расмийлаштириш ва ер майдонини жойида улчаб бериш вазифаси топширилсин.

6. Лойиха хужжатлари ҳамда курилиш ишлари 2 (икки) йил муддат ичида бажарилмаса, қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари Б.Эргашев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими:  Ж. Ибрагимов